

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10- ва 11- синфлари
ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларининг
Пойабзал таъмирловчи касбининг ўқув дастури**

Тошкент -2018

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 29 майдаги 29 ва 13 Қ/Қ-сон қарори билан тасдиқланган



Тузувчилар:

Самарканд имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

Самарканд имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус касб-хунар коллежи махсус фан ўқитувчиси



С.Махмадиёров

Ф.Рустамов

МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

Т/Р	Мавзулар номи	Ажратилган соат
1.	Кириш. Пойабзал таъмирловчи иш ўрнини ташкил этиш. Пойабзал таъмирловчининг жиҳозлари. Техника хавфсизлик қоидалари.	6
2.	Пойабзал классификацияси.	18
3.	Пойабзал қолиплари	30
4.	Тановорни формалаш ва бириктириш	156
5.	Пойабзал таг қисмини таъмирлаш.	48
6.	Пойабзал юза қисмларини таъмирлаш.	66
7.	Чарм галентерия буюмларини таъмирлаш	6
	Жами	330

Эслатма:

1. Ўқув режанинг машгулотлар ва амалиётлар таркибига, шунингдек ўқув юкнамалар ҳажмига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан, Халқ таълим вазирлиги билан келишган ҳолда ўзгартириш ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

2. Ишчи дастурни ишлаб чиқишда таълим муассасаси педагогик кенгаши қарорига биноан мавзуларга ва уларга ажратилган соатлар миқдорига, умумий соатлар миқдоридан чиқмаган ҳолда 15 фоизгача ўзгартириш киритилиши мумкин.

Мавзулар мазмуни

Кириш. 1-мавзу. Кириш. Пойабзал таъмирловчи иш ўрнини ташкил этиш. Пойабзал таъмирловчининг жиҳозлари. Техника хавфсизлик қоидалари.

Тановор формалаш устахонасини фойдаланиладиган қўл асбоблари, жиҳозлар билан танишиш. Пойабзал формалаш ишчи столи. Пойабзал формалаш, пресслаш, пардозлаш иш жараёнларига фойдаланадиган жиҳозлар ва қўл асбобларидан фойдаланишда меҳнат хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш.

2-мавзу. Пойабзал классификацияси.

Пойабзал номланиши. Тановорнинг баландлиги. Пойабзал юза қисмлари юза қисмлари учун фойдаланадиган материаллар. Пойабзал таг қисмлари учун фойдаланадиган материаллар. Пойабзал тановорини таг қисмлари билан бириктириш усуллари. Пошналар турлари, баландлиги, кўриниши лойиҳаси, материали ва размери.

3-мавзу. Пойабзал қолиплари.

Пойабзал қолипларининг тавсифи. Қолипнинг индекси. Қолипларнинг

конструкцияси. Қолипларни формалашга тайёрлаш. Ортопедик пойабзал қолипини танлаш ва қолипини оёқга мослаш. Ортопедик пойабзалларни қолиплаш

Қолиплар ёш-жинс гуруҳи мақсади технологик вазифаси, конструкцияси, материали, товон қисмининг таянч текислигидан кўтарилиш баландлиги бўйича бир қанча турларга бўлинади.

Технологик вазифаси бўйича қолиплар классификацияси:

1. Асосий (тортиш) қолиплар, асосан тановорни шакллантиришда ишлатилади.

2. Ёрдамчи қолиплар технологик жараёни бажаришда қўлланилади.

Конструкцияси жиҳатидан асосий (тортиш) қолиплар куйидаги турларга бўлинади; яхлит, арраланган понали, туташ ва силжийдиган.

Ҳар бир қолипда фасонни белгилловчи 5-6 рақмдан иборат индекслар бўлади. Биринчи рақам- қолипларнинг ёш-жинс гуруҳини; иккинчи рақам-қиёфасини; учунчи рақам-товон қисмини кўтарилиш баландлигини; тўртинчи рақам – тумшук қисмини фасонини; бешинчи ва олтинчилари- қолипларнинг индексдаги тартиб рақамлар билан белгиланади.

4-мавзу. Тановорни формалаш ва бириктириш.

Материал хусусиятларини формалашга таъсири. Чармни чўзилувчанлигини формалаш сифатига таъсири. Пойабзал формалашга таъсир этувчи факторлар. Сунъий чарм ва тўқимачилик материалларидан тайёрланган тановорларнинг формалаш жараёнида таъсири ва сифати. Пойабзал тановори учун ишлатиладиган чармлар хусусияти.

Формалаш жараёни структураси. Ўйабзал тановорини формалаш. Формалаш жараёни структураси; тановор ва қолипларни формалашга тайёрлаш, формалашдан олдинги охиловчи жараёнлар.

Мақасини тановорини формалашда белгиланадиган жараёнлар, уларга қўйиладиган технологик талаблар. Тортувчининг иш жойини ташкиллаштириш. Жараёнларни бажаришда қўлланиладиган жиҳозлар ва асбоблар. Жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш. Жараёнлар бажарилишининг иш усуллари. Жиҳозларни ишлатишдаги техника хавфсизлиги. Мақасини тановорини формалашда учраши мумкин бўлган нуқсонлар, уларни олдини олиш чоралари.

1. Қолипларни танлаш, қаттиқ қоғозни қотириш.

2. Тановор оралиқ қисмларини елимлаш ва гранитолни жойлаштириш.

3. Тановорни тортиш, учини чўзиш, товон қисми ва ёнлари тортиш.

4. Формаланган тановорни таг четки қисмларини елимлаш ва буклаш

5-мавзу. Пойабзал таг қисмини таъмирлаш.

Бириктириш усуллари умуий таърифи. Тагни бириктириш усуллари технологик жараёни. Бириктириш усулини пишиқлигига таъсир этувчи факторлар. Жараёнларни бажариш учун жиҳозлар ва ёрдамчи материаллар. Бириктириш усулини технологик нормативлари.

6-мавзу. Пойабзал юза қисмларини таъмирлаш.

Болалар, аёллар ва эркаклар пойабзал тановор юза қисмларини таъмирлаш. Ярим этикбетлик, дастаг қисмини таъмирлаш. Молнияли тақилмани таъмирлаш. Блочка ва патагни алмаштириш.

Буюртмаасосида пойабзалнинг якка тартибда таъмирлаш.

Болалар, аёллар ва эркаклар пойабзали юза, таг ва паст, баланд пошналарни

таъмирлаш. Этик, ботинка, ярим этик ва сандал пойабзал турларини таъмирлаш.

Пойабзал тановорининг қисларига ишлов бериш формалаш.

Пойабзал таг қисмини ажратиш. Тановор камчиликларини бартараф қилиш. Формалаш услублари. Пойабзал тановорини формалаш.

7-мавзу. Чарм галлантерия буюмлани таъмирлаш.

Сумка ва портфелларни таъмирлаш. Камарни таъмирлаш. Коптогларни таъмирлаш (футбол, волейбол ва ҳоказо). Жараёнларни бажаришда қўлланиладиган жиҳозлар ва асбоблар.

Амалий меҳнат машғулотларининг мазмуни

Амалий меҳнат машғулотлари пойабзал тузатиш устахоналарида ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилади. Ўқувчиларга амалий меҳнат машғулотлари амалиётини ўтказиш тартиби, пойабзал тузатиш устахоналарида ўзини қандай тутиши бўйича тушунчалар берилади. Пойабзал тузатиш устахоналаридатаъмирланадиган пойабзаллар турлари билан танишади. Пойабзал таъмирлашда иш ўрни қандай ташкил қилингани, қандай жиҳозлардан ташкил топгани, таъмирлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар билан танишади. Пойабзал таъмирлашда ишлатиладиган маҳсулот турларини ўрганади. Ўқувчилар усталарга бириктирилиб, уларнинг топшириғига асосан уста назоратида пойабзал таъмирлашга жалб қилинади.

Пойабзал таъмирлаш устахоналарида таъмирланадиган пойабзаллардан бирининг таъмирланиш жараёнини ўрганади ва шу пойабзални таъмирлаш учун қанча асосий ва ёрдамчи маҳсулотлар ишлатилганини аниқлайди. Шу пойабзални таъмирлаш жараёнининг технологик харитасини тузади.

Тавсия этилган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Мусаев. С.С., Абдурахмонова. Ф.А. “Якка буюртма бўйича пойабзал тайёрлаш технологияси”. Тошкент. 2007 йил. Шарқ нашриёти.
2. АбулниеъовҚ.И., Мақсудова У.М. “Пойабзал ва чарм буюмларини ишлаб чиқариш технологияси”. Тошкент. 2007 йил. Чўлпон нашриёти.
3. Ҳайдаров А.А. “Пойабзал ва чарм атторлик буюмларини моделлаштириш асослари”. Тошкент. 2007 йил. Шарқ нашриёти.

Қўшимча адабиётлар

1. Коваленко И.П. “Ремонт обуви”. Феникс. Ростов –на-Дону. 2000 год
2. Левигурович Е.И. “Ремонт обуви”. Москва. 1969год

Электрон манбалар

1. www.edu.uz,
2. www.slesario.ru,
3. www.lapustin.ucos.ru,
4. www.domoslesar.ru